

# **ИЛМИЙ ТҮГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Тиббиёт ванлар номзоди F.C.Арифходжаев**

**(А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Махсус педагогика кафедраси)**

Замонавий педагог учун фақатгина мутахассис нүқтаи назаридан саводли бўлиш бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди. У энг аввал ижодкор шахс сифатида камол топиши зарур. Педагогнинг бу сифатларини талабалик даврида босқичма-босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўкув юртида фаолият кўрсатаётган педагог фаолияти талабаларга билим, кўнишка ва малакалар сингдириш билан бирга, уларда касбига бўлган қизиқишиларини мустахкамлаш, янгиликка интилиш, болалар билан ишлашнинг самарали усулларини қидиришга бўлган имкониятларни оширишга йўналтирилган бўлиши керак.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишнинг самарали усулларидан бири – бу талабалар илмий тўгаракларини тўғри ва мақсадга мувофиқ равища ташкил этишдан иборатдир.

Ҳаётий ва илмий тажрибалар асосида таъкидлаш зарурки, мутахассислик доирасида ўз билимларини янада чуқурлаштиришга интилаётган талабаларни бирлаштирадиган ягона марказ – бу илмий тўгараклардир. Илмий тўгаракларнинг салоҳияти ва салмоғи қандай даражада эканлиги муҳим омиллардан биридир. Агар талаба ўзи ва ўртоқлари олиб бораётган тадқиқотларнинг натижаларни ўз кўзи билан кўриб, изланишларининг муҳимлигини сезса, албатта шу тўгаракка бўлган қизиқиши ортиб боради.

Одатда, тўгарак аъзоларининг асосий қисмини 3-4 курс талабалари ташкил этади. Улар ўзлари қизиқадиган мавзулар доирасида тадқиқот ишларини олиб боришади. Бизнинг фикримизча, тўгарак фаолиятини ташкил этишдаги асосий муаммолардан бири, бу 1 – 2 – курс талабаларининг интилишларини тўгарак фаолиятига тўғри йўналтиришдан иборатдир.

Биз, Жиззах Давлат Педагогика институти Дефектология кафедраси қошида ташкил этилган “Ёш дефектолог” илмий тўгараги фаолияти мисолида талабаларнинг илмий-текшириш ишларини мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш тажрибасининг натижаларини таклиф этмоқчимиз.

Маълумки, талабалар 1 – 2 – курс давомида мутахассисликларнинг фундаментал асослари бўлган клиник, педагогик ва психологик фанларнинг фақат назарий асосларини ўрганадилар. Бу вақт давомида уларнинг эгаллаган билимлари доираси илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун етарли бўлмайди. Шу сабабли бу талабаларни тўгарак ишларига тўлиқ жалб этиб бўлмайди. Бу даврда илмий ишларга мойиллиги бор талабаларни тўгаракнинг мажлисларига таклиф этилганлар сифатида иштирокини мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Илмий изланишларга мойиллиги бор талабаларнинг олийгохнинг бошқа тўгараклари билан ҳам танишиб чиқишини тавсия этамиз. Бу билан талабанинг қизиқишлиари доираси қай даражада эканлиги ва бизнинг тўгаракка қатнашиш иштиёқининг мустахкамлигини билиб оламиз. Шубҳасиз, бу босқични ўтаётган талабага ўз фикримизни мажбурлаб сингдиришдан йироқ бўламиз. Уларнинг ташаббусларини қўллаб қувватлашимизни зарурӣ шартлардан бири деб хисоблаймиз. 1 – 2 – курс давомида талабаларни коррекцияга муҳтож болалар билан мулоқотга киришиш, улар билан сухбатлашиш, тиббий ва педагогик хужжатлар устида ишлаш экспериментал-психологик текширувлар ўтказиш, маҳсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларга тавсифнома тузиш каби усулларни тўлиқ ўзлаштириб олиш имкониятларини яратиш зарур. Бу ишларни маҳсус муассасаларда педагогик амалиёт ўташ вақтида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. 2 – курснинг охирига келиб талаба раҳбари билан биргаликда қандай мавзу доирасида изланиш олиб бориши кераклигини аниқ таъсаввурига эга бўлиши ва уни амалга ошириш усулларини билиши керак.

2 – курс талабаси пассив эшитувчилик даражасидан босқичма-босқич тұғарык фаолиятида фаол қатнашишга, мухокамаларда ўз фикрини баён этиш күникмасини шакллантиришга әришиши зарур.

Юқорида тавсия этилган барча ишлар етарлича амалга оширилгандан сүнг, 2 – курснинг охирида кафедрада маҳсус илмий – амалий конференция ташкил этилади. Бу конференцияда талабалар томонидан тайёрланаган тавсифномалар, кузатув материаллари мухокама қилинади. Асосий эътибор түпланган фактларни исботлашга, уларнинг назарий тарафларини асослашга, хулоса ва тавсияларни шакллантиришда талабанинг фикрлаш қобилиятини оширишга қаратилади. Ушбу конференция мазмун ва моҳиятан талаба ҳаётида илмий изланишларга қўйилган илк қадам сифатида ташкил этилиши керак.

3 – курсга келиб, талабаларнинг илмий изланишларига бўлган интилишлари мазмунини мустақил йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар танланган мавзулари доирасида мустақил равишда адабиёт танлаш, экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, илмий тўғарақдаги маъruzалар юзасидан мунозараларда қатнашиш, шахсий фикрлари ва хулосаларини илмий асосда баён этиш имкониятлари учун шарт-шароит, қулай муҳит яратиб бериш зарур. Талабалар амалга ошираётган кузатувлар, экспериментал текширувлар давомида ҳар бир босқичдан олинган натижаларни мухокама қилиш муҳим омил ҳисобланади. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, талабанинг маълум бир босқичгача бажарган илмий изланишларининг мақсадга мувофиқлиги, танлаган мавзусининг моҳиятини очиб бериш даражасига таъсири, йўл қўйилган хато – камчиликларга реал баҳо бериш ва уларга муносабат билдириш имкониятини яратади. Иккинчидан талабанинг танқидий фикрларга нисбатан бўлган муносабатларини шакллантиради ва уларни бартараф этиш учун янада ижодий ёндошиш, кўникма ва малакаларини кенг кўламда таркиб топишига ёрдам беради.

Бир неча йиллик тажриба шуни кўрсатдики, аксарият талабаларнинг илмий тўгаракда танлаган мавзулари аввало курс иши, сўнгра битирув малакавий иш сифатида шакллананди. Бу талаба танлаган мавзуунинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлигини яна бир исботидир.

Баъзида талабаларнинг тўгаракда танлаган мавзулари доирасида бажарган изланиши бошқа фанларда қўлланиладиган методикаларни тўғридан – тўғри такрорлаб жорий этиш ҳолатлари учрайди. Бу асло мумкин эмас. Бунда тўгарак раҳбари талабага хос ва мутаносиб бўлган янги методикаларни ишлаб чиқишига ундаши ва ёрдам бериши керак. Агар юқорида таклиф этилган босқичлар тўғри ва мақсадли амалга оширилса 4 – курсга келиб талабанинг битирув малакавий иши тайёр ҳолатга келади. Якунловчи босқичда фақат алоҳида ҳолатларни коррециялаш, таклифларни апробоциядан ўtkазиш ва диплом ишини техник жихатдан шакллантириш каби масалалар қолади.

Талабаларнинг олийгоҳда амалга оширган илмий изланишларининг якуни - бу битирув малакавий ишнинг ҳимоясидир. Бу унutilmas воқеа талаба учун энг ҳаяжонли ва тантанали синов бўлиб, йиллар давомида тўгаракда тўплаган тажриба ва эгаллаган малакаларининг натижаси ўлароқ муваффақият билан якунланиши табиийдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т.А Власова, М.С Певзнер “Камол топишида камчиликлари бўлган болалар ҳақида.” Ўқитувчи нашрёти. Тошкент 1976 й.
2. В.Г. Петрова “Практическая и умственная деятельность детей олигофренов. Издательство” “Просвещение” Москва. 1968 г.
3. В.С.Раҳмонова “Дефектология ва логопедия асослари.” Тошкент-1990 й.